

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № _____

“ _____ ” март 2022 йил

Қибрай тумани

“ _____ ”, бундан буён «Бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари _____ Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва **Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институти**, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, раҳбари А. Анорбаев Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган ходимлар томонидан тайёрланган китобларни жадвалда кўрсатилган иш хажмларини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш хажми буйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида туловларни амалга оширади.

№	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий суммаси
1					
2					
3					
4					
5					
ЖАМИ:					

2. Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси _____ (_____) сўмни ташкил қилади (*Кўшилган қиймат солиғисиз*).

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида узгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, узгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» узгарган нархлар асосида қушимча туловларни бюджетда курсатилган лимит доирасида амалга оширади.

3. Тулов шартлари

3.1 Бажариладиган иш хажмини тулик қийматининг 30%и миқдорда _____ банк кунида «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига (сумда) олдиндан туловни амалга оширади.

3.2 Тулик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сунг бажарилган ишлар далалатномаси (ҳисоб фактура) асосида _____ банк кунида қолган 70% тулов «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига утказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш хажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далалатномаси, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чикмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чикмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган ишларни тулик бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига утказилгандан сунг _____ банк иш кунида шартномада курсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш хажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида узгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада курсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сунг иш тулик бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

- Олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг, шартномада курсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.

- «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

- Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни уз вақтида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- Бажарилган иш хажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;

- Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тулик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

- Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тулик қабул қилиб олингандан сунг «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган сумманинг қолган қисмини тулик утқазиб бериши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш хажмини уз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.4. Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан ___ ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йул қуйилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон қелтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво ҳатлари тартибида, агарда муроасага қелинмаганда вилоят Хужалик Суди орқали ҳал қилинади.

8. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини амалга оширмаслик;

шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида давлат хизматлари агентлиги ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт.

Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар.

8.2. Агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Агентлик ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги ҳақида қуйидаги алоқа каналларига мурожаат қилиш мумкин:

Марказнинг “95 340 40 70” рақамидаги ишонч телефони телефони орқали;

9. Кушимчалар

9.1. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар қонуний кучига эга бўлади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

9.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

9.3. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

10. Форс- мажор

10.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон ўз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер кимираш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

11. Шартноманинг амал қилиш муддати

11.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

11.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили

«Иш бажарувчи»	«Буюртмачи»
НОМИ: _____	НОМИ: _____
МАНЗИЛ: _____	МАНЗИЛ: _____
ХҲР: _____	ХҲР: _____
ИНН: _____	ИНН: _____
ОКОНХ: _____	ОКОНХ: _____
МФО: _____	МФО: _____
НОМИ: _____	НОМИ: _____
Тел: _____	Тел: _____
РАХБАР _____ (имзо) (ф.и.о)	РАХБАР _____ (имзо) (ф.и.о)